




БУДДИЗМ ДИНИ
ХОЛМИРЗАЕВ
НОДИРЖОН
НИЗОМЖОНОВИЧ






РЕЖА:


- Буддизмнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши.
- Буддизм таълимоти ва унинг мохияти.
- Буддизмда ахлоқ масалалари.
- Бу диннинг кризисга учраб парчаланиб кетиши.




Буддизмнинг асосчиси милoddан аввалги 1-минг йилликда яшаган Будда хисобланган. У тарихий шахс бўлиб, 80 йил яшаган. Унинг хусусида турли ривоятлар мавжуд. Унинг номи хинд тилида нурланган, олий ҳақиқатга эришган деган маънони билдиради. Ривоятларга қараганда, кенг маънода кўп марта илоъий туғилишлар туфайли мутлоқ баркамолликка эришган; бошқаларга ҳам диний нажот йўлини кўрсата оладиган одамдир.




Бу диннинг ривоятларга кўра бир одам хайр саъоватли бўлиши ва хақиқий оламдаги орзу-хавасларнинг беъудалигини тушунишга етиб бориши натижасидагина Буддадек бўлиши мумкин эмиш. Бу зарарли фикрдир. Инсон дунёга орзу-хавас билан, чин инсон сифатида бахтли яшаш, насл қолдириш, яхши ном учун келади.



Буддавийликнинг асосчиси Шакоя князлиги ҳукмдорининг ўғли Сидхарта Гаутамадир. «Будда» эса унинг «ҳақиқат нажоткори» деган кейинги номидир. Баъзан уни «нурланган», «софланган», «камолот йўлини топган» деган сўзлар билан ҳам аташади.




У гўё “нурланган”, яъни “хақиқий билимга эришган”дан сўнг унга Шакоя-Муни Будда номи берилган. Ривоятларга кўра у Ганг дарёсининг ўрта оқимида жойлашган кичик бир давлат шахсининг ўғли бўлган экан. Бу шахснинг хотини илоъий ўомиладорликдан Гаутамани туғган. У вояга етгач, хар қандай мавжудоддек азоб-уқубатдан иборат деган хулосага келган. У 7 йил тарки дунёликда яшагандан кейин “хақиқатга эришган” ва буни шахар қишлоқлар бўйлаб тарғиб қила бошлаган.



Гаутама ўз таълимотининг асосий қоидаларини "4 олий ҳақиқат" тусида баён этган. Унинг шогирдлари Ер юзида биринчи роҳиблик (монахлик) жамоасини ташкил этиб, улар жойлашган хонақоҳлар қурдирган. Кейин Будда ҳайкаллари ўрнатилган ҳашаматли ибодатхоналар бунёд этилган.

Буддизм хиндистондан кейин кўпроқ Кушон подшолигида қарор топган. Бу подшолик қадимги дунё қулдорлик давлати бўлиб, унинг ривожланган даври эрамиздан олдинги 1 аср охири ва миллоднинг 3 асри бошларига тўғри келади. Бу подшолик ҳозирги Марказий Осиёнинг катта қисми, Покистон, Шимолий хиндистон ва эътимол ҳозирги Уйғур автоном республикаси ерларини ўз доирасига олган. Бу подшоликда яшаган элатлар биргина буддизмга эмас, зардуштийлик, хиндуизимга ҳам эътиқод қилганлар.



Шўролар даврида Айритом, Қора тепа, Далварзин тепа, Қува Зартепаларида археология ишлари ташкил этилганда бу ерларда зардуштийларнинг оташхоналари. Будданинг санам, катта ва кичик хайкалчалари топилган. Уй хайвонларининг хайкалчалари, рамзий ғилдираклар бор бўлган. Зарб этилган тангалар ортида турли худолар-Қуёш, Олов, омад ва маъмурчилик худолари ва хакозолар тасвирланган.




Буддизм таълимотининг асослари унинг Трипитака номли муқаддадас ёзувида баён этилган. Бу таълимотда салбий, зарарли, ғайри илмий ғоялар анчагина бор. Масалан, Будданинг даовосига биноан хар қандай борлиқ, хар қанақа шаклдаги ва кўринишдаги хар бир хаёт мавжудотларга азоб берадиган ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқибатларнинг сабаби одамзотнинг ва ҳамма тирик мавжудотларнинг бу дунёга, гўё қайта туғилиш дунёсига боғлиқлиги, унга кўнгил қўйганлиги; гарчи бу дунё сезгилар воситасида хис этилса-да асли хаёли дунё деб тарғиб қилинади.




Буддистлар ўйлаганича бу дунё асли хаёлий дунё эмас; у реал, хақиқий, севимли, ардоқли, инсон учун ғоят керакли, фойдали адабий дунёдир. Фақат гиёхванд, алкоголик, овсар, муттаҳам, террористларга вафо қилмайди.

Хулоса шуки, буддизмнинг диний таълимоти мазмуни ўз даврида халқлар хаётига муайян даражада ўз таосирини кўрсатган.

Буддизмнинг ахлоқий меъёрларида одам ёвузликка қарши чиқмаслиги, ювош, итоаткор, муросасиз бўлиши керак деган таълимот ҳам бор. Бу ҳам бизнинг фалсафа, этикага мос эмас. Булар, жумладан Диншунослик асослари ёвузликка қарши аёвсиз курашишни, уни йўқотишни, акс холда у инсон ва жамиятга баттар зарар келтиришини исботлаган. Дарахтнинг бўшини қурт ейди, қовуннинг яхшисини чия бўри, узумнинг пишганини, ўраб қўйилмаса ола қанот ейди деган ʻикматлар бор.



Буддизмнинг муқаддас ёзуви Трипитака эрамиздан олдинги 1-минг йилликда битилгани учун замонлар ўтиши, хиндистонда хар хил ўзгаришлар юз бериши натижасида талабга жавоб бермай қолган; буддистлар орасида зиддиятлар, хатто конфликтлар юзага келган. Буддизм хиндистонда Кушон подшоҳлиги даврида равнақ топиб, кейин унинг таосири камайиб, ўзи бўлиниб, ўз ўрнини хиндуизмга бўшатиб берган. XII асрга келганда бу ўлкада деярли йўқолиб, бошқа мамлакатларга кенгроқ ёйилган.



**Буддизм орасида бошқа жахон
динларидаги каби кўплаб оқим
ва секторларнинг кураши
ҳамиша юз бериб турган.
Буддизмнинг ъимаяна, маъаяна
деган йирик шакллари кенг
тарқалган. Тибетда эса XIV-XVI
асрларда ламаизм шаклланган.
Хитойда бошқаси бўлган.**



XX аср ўрталарига келиб буддизм Ғарбий Европа мамлакатларида оммалашиб кетган. Бу асрнинг охирлари 80-90 йилларда необуддизм ва метабуддизмнинг бир қанча оқимлари пайдо бўлган. ҳозирги даврда Осиёнинг ўзида сақланиб қолган минтақавий шакллари уюшмалари ижтимоий ҳаётга, сиёсатга аралашиб, гоҳ ижобий, гоҳ салбий рол ўйнамоқда. Энди яхлит буддизм йўқ, минтақавийлари қолган. Буддизмнинг бир қаноти Европага ўтган.